

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ПОЛИВАЛЕНТ ИННОФАГ

Препаратнинг савдо номи: ПОЛИВАЛЕНТ ИННОФАГ

Таъсир этувчи модда (ХПН): -

Дори шакли: маҳаллий ва сиртга қўллаш учун спрей

Таркиби:

1 мл препарат қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: *Staphylococcus spp.*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Proteus mirabilis*, *Klebsiella pneumoniae*, *Streptococcus spp.* ва *Escherichia coli*нинг турли серогуруҳ бактерияларини стерил тозаланган фаголизатларининг фильтрати. Активлиги 10^5 КХҚБ/мл дан кам бўлмаган титр.

ёрдамчи моддалар: консервант - 8-гидроксихинолин сульфат ёки 8-гидроксихинолин сульфат моногидрат, 8-гидроксихинолин сульфатга нисбатан хисобланганда 0,00001 г/мл ёки 0,001% суюқ фаг миқдорига нисбатан (хисобланган миқдор) ва тозаланган сув.

Таърифи: оч сарикдан оч жигарранггача тиник суюқлик, яшилроқ тусга рухсат этилади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Бошқа препаратлар. Бошқа даволовчи воситалар.

Код АТХ: V03A

Фармакологик хусусиятлари

ПОЛИВАЛЕНТ ИННОФАГ бактериофаги - йирингли - яллиғланиш ва ичак касалликларининг этиологиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган *Staphylococcus spp.*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Proteus mirabilis*, *Klebsiella pneumoniae*, *Streptococcus spp.* ва *Escherichia coli* бактерияларининг турли хил серогуруҳларига нисбатан ўзига хос бактерицид таъсирга эга бўлган дори воситаси. Фаг заррачалари сезгир бактерияларнинг мембранасига ёпишади, хужайра ичига киради ва унинг ресурслари хисобига кўпаяди. Бунинг оқибатида хужайра нобуд бўлади ва бошқа сезгир бактериал хужайраларни зарарлаш қобилиятига эга етилган вирулент фаг қисмларини ажралиб чиқиши кузатилади. ПОЛИВАЛЕНТ ИННОФАГ бактериофаги бошқа бактерияларга таъсир қилмайди, хусусан табиий микрофлорани бузмайди.

Қўлланилиши

ПОЛИВАЛЕНТ ИННОФАГ спрейи, барча ёшдаги ва юқори хавfli гуруҳларда даволаш ва профилактика мақсадида куйиш, йирингли-яллиғланиш касалликлари, инфекцияланган яралар, ангинада, *Staphylococcus spp.*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Proteus mirabilis*, *Klebsiella pneumoniae*, *Streptococcus spp.* ва *Escherichia coli*нинг турли серогуруҳ бактериялари билан инфекцияланган тери қопламалари ва шиллиқ пардаларга ишлов беришда қўлланилади. Спрейдан фойдаланганда шишани қопқоғини юқорига қилиб вертикал ҳолда ушлаб туриш ва пуркагични ишлов бериладиган юзага йўналтириш керак.

Даволаш:

- жаррохлик инфекциялари: йирингли яра, куйиш, абсцесс, флегмона, фурункул, карбонкул, гидраденит, панариций, парапроктит, мастит;
- юқори нафас йўлларининг бактериал инфекциялари: кулок, томоқ, бурун, бурун бўшлиқлари, оғиз бўшлиғи, ҳиқилдоқ, халқумнинг йирингли-яллиғланиш касалликлари (отит, ангина, фарингит, ларингит, стоматит, синусит, пародонтит, гайморит);
- янги туғилган чақалоқларни йирингли-яллиғланиш касалликлари (омфалит, пиодермит, конъюнктивит).

Профилактика:

- янги жароҳатларга ишлов беришда;
- жароҳлик муолажалари ва операциялардаги йирингли асоратларда.

Қўллаш усули ва дозалари

Самарали фаготерапиянинг муҳим шarti, дастлаб касаллик қўзғатувчисининг шу фагга сезувчанлигини аниқлаш (бемордан ажратиб олинган штаммларнинг препаратга сезувчанлигини аниқлаш) ҳисобланади. Бактериофагни касалликнинг илк босқичида қўллаш, шунингдек уни инфекция ўчоғига юбориш энг самарали ҳисобланади. Инфекция ўчоғини жойлашишига қараб, спрейни:

- *маҳаллий* – чайиш, ювиш, томизиш, аппликациялар, тампонлар, турундалар кўринишида. Оғиз бўшлиғи орқали қабул қилинганда препаратни овқатланишдан 30-60 дақиқа олдин қўллаш керак;

- 11 ёшгача бўлган болаларда бодомча безларини спрей ёрдамида ишлов бериш -. 5 та пуркаш, ҳар 3 соатда, кунига 4-5 марта. Катталар учун 6-7 та пуркаш, кунига 6-7 марта;

- маҳаллий йирингли-яллиғланиш касалликларини даволаш учун препаратни бир вақтни ўзида, ҳам маҳаллий ҳам ичга қабул қилиш тавсия этилади (per os). Препарат дозаси - пуркаш миқдори, инфекция ўчоғининг характери (зарарланган соҳанинг ўлчами) билан белгиланади.

Препарат билан даволаш курси давомийлиги 7 кундан 15 кунгача (клиник кўрсатмаларга кўра).

Ножўя таъсирлари

Препарат заҳарли эмас. Бирон-бир ножўя таъсири аниқланмаган. Жуда камдан-кам ҳолларда, ичга қабул қилганда, препаратни беришни тўхтатиш шарт бўлмаган, энгил, қисқа муддатли рефлексли кўнгил айланиш ҳолати кузатилиши мумкин. Препарат таркибида соя оксиллари қолдиқлари бўлиши мумкин, сезувчанлиги ўта юқори беморларда аллергия реакциялар пайдо бўлиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратни бирон-бир компонентига ўта юқори сезувчанлик бўлганда.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Препаратни ҳар қандай гуруҳдаги дори воситалари билан бирга қўллаш мумкин.

Махсус кўрсатмалар

- бактериофаг билан даволашни иложи борича эрта бошлаш керак. Препаратни қўллашдан олдин чайқатиш керак.

- ПРЕПАРАТ ХИРАЛАШГАНДА ҚЎЛЛАНИЛМАСИН!

- агар бакриофагни қўллашдан олдин ярага ишлов бериш учун кимёвий антисептиклар ишлатилган бўлса, у ҳолда ярани 0,9% ли натрий хлориднинг стерил эритмаси билан яхшилаб ювиш керак;

- препарат таркибида атроф-муҳитдаги бактериялар ривожланиши мумкин бўлган озуқа муҳити мавжудлиги сабабли, спрей қўлланилгандан сўнг, пуркагични спирт эритмаси билан ишлов бериш керак.

- флаконни совутгичда сақлаш керак. Юқорида келтирилган сақлаш қоидаларига риоя қилинганда ва хиралашмаган бўлса, препаратни яроқлилик муддати давомида ишлатиш мумкин;

- кекса ёшдаги беморларга суткалик миқдорни тўғирлаш талаб этилмайди.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Ҳомиладорлик ва лактация даврида, препаратга сезгир штаммлар томонидан келтириб чиқарилган инфекция мавжуд бўлган ҳолларда қўллаш мумкин (шифокор тавсиясига кўра).

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири
Таърифланмаган.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юборилиши тўғрисида маълумотлар таърифланмаган.

Чиқарилиш шакли

1 флакон 20 мл дан препарат пургагичли қопкок (спрей) билан, тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига пачкаларга (пенал) жойланади.

Сақлаш шароити

Курук, қуёш нурларидан ҳимояланган жойда, +2°C дан +10°C гача бўлган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Яроқлилик муддати тугагандан сўнг қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи/Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотни номи ва манзили:

“AZIYA IMMUNOPREPARAT” МЧЖ,

100206, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Юнусобод тумани, 17-мавзе, Қадрдон МФЙ, 4Д-уй.

Телефон: +99895 170-46-16.

Е-почта: info@mediphag.uz